



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 8 » февраль

№ 60

Toshkent sh.

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида

“Одам савdosига қарши курашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

одам савdosидан жабрланган ёки жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи органлар ва ташкилотларнинг вазифаларини, идентификация қилиш, қайта йўналтириш ҳамда шахсий маълумотлар ноошкоралигини таъминлаш тартибини назарда тутувчи **Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

одам савdosидан жабрланган, шу жумладан, вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясини, мазкур шахслар билан якка тартибда ишлаш режасини ҳамда уларнинг мослашувига ёрдам кўрсатиш, шунингдек, одам савdosидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш тартибини назарда тутувчи **Одам савdosидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

2. Белгилансинки:

одам савdosидан жабрланганларни, одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар йил якунлари бўйича декабрь ойининг 17-санасига қадар ушбу қарорнинг амалга оширилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ахборот тақдим этадилар;

ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарорига
1-илова

**Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан
жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация
қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дастлабки идентификация – жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида маълумотларни олишга, ўрганишга ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар;

сұхбат – одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш, уларга тегишли ёрдамларни кўрсатиш учун одам савдосидан жабрланган шахс сифатида эътироф этишга ҳамда уларнинг Конунда кўрсатилган хуқуқларини тиклашга қаратилган сұхбат;

сұхбат ва қайта йўналтириши олиб борувчи мутахассис – “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг (кейинги ўринларда – Конун) 10-моддасида кўрсатилган давлат органлари ва уларнинг худудий бўлинмаларининг маҳсус билим ва кўникмага эга бўлган вакили;

қайта йўналтириш – одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни тезкор, сифатли ва малакали ёрдам кўрсатилишига ҳамда ҳимояга олишга йўналтириш;

якуний идентификация – жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тан олиш ёки тан олишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

3. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти давлат органлари ва уларнинг худудий бўлинмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органларига қўмаклашади.

5. Ушбу Низом қоидалари одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

6. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш ва идентификация қилиш мазкур шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик тамойилига асосланади.

2-боб. Идентификация ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг вазифалари

7. Куйидагилар дастлабки идентификацияни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда – ваколатли давлат органлари) ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг тизимидағи ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги.

8. Яқуний идентификация Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссия томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ҳамда уларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қиласи ҳамда қайта йўналтиради;

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумлар орасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қиласи ва уларни идентификация қилишни ташкил этади;

ахборот-коммуникация технологиялари ва ижтимоий медиа соҳасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган шахслар ҳақида маълумот тўплайди, таҳлил қиласи ва уларни идентификация қилишни ташкил этади;

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни дастлабки идентификация қилиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширади;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш даврида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади;

одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади;

идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглар ташкил этади. Ўз ходимларининг малака даражасини ошириш истагини билдирган мазкур орган ва ташкилотларнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ва унинг худудий филиалларида ўқитиш ташкил этилади;

одам савдоси жиноятлари содир этилган хорижий давлатлар худудида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари учун ҳар йили одам савдосининг муаммоси тўғрисида хабардорликни ошириш ва бошқа мамлакатда

аниқланган одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни қайта йўналтириш бўйича кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўқув семинар-тренингларини масофавий видео-алоқа каналлари орқали ташкил этади.

Идентификация қилиш ва қайта йўналтириш жараёнларида қатнашаётган давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мутахассисларининг одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни аниқлаш ва идентификация қилиш усуллари ва мезонлари бўйича малака даражасини ошириш мақсадида ҳар йили камида бир маротаба ўқув семинар-тренинглар ташкил этади;

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва хукуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ҳамда уларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун хужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қиласи ҳамда қайта йўналтиради;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолияти билан шуғулланувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қиласи;

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг Қонунда кўрсатилган хукуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар ижросини назорат қиласи;

тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолиятида қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш ҳамда уларнинг одам савдосига қарши курашиборасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва хукуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади

ҳамда уларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қиласи ҳамда қайта йўналтиради;

халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ҳамда дастлабки тергов ўтказиш ҳамда одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишлар даврида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади;

одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ҳамда уларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қиласи ҳамда қайта йўналтиради;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларида меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, касб ва меҳнат стандартлари, гендер тенглилкка риоя этишни таъминлаш жараёнида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганда, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий ахволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, кундалик зарур эҳтиёжлари учун маблағсиз қолган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришини амалга оширади;

одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ҳамда уларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида улар томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларга асосан дастлабки идентификация қилишни амалга оширади ҳамда қайта йўналтиради;

чет эл худудида бўлиб турган, одам савдосидан тахминий жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш давомида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб топиш мақсадида улар томонидан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларга асосан дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қиласи, рўйхатга олади ҳамда уларнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун, шунингдек, маъмурий жавобгарлик, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунларга мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди;

келиб тушган мурожаатлар орқали одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида уларни идентификация қиласи ҳамда қайта йўналтиради;

шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш даврида одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширади.

15. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда иштирок этиш жараёнида куйидаги ҳукуқларга эга:

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни дастлабки ва якуний идентификация қилиш ва қайта йўналтириш ваколатли давлат органлар томонидан амалга оширилишида иштирок этади ва кўмаклашади;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақида маълумот келиб тушганда зудлик билан ваколатли давлат органларини бу ҳақда хабардор қиласди ва дастлабки, якуний идентификация қилиш ҳамда қайта йўналтиришда иштирок этади;

идентификация ва қайта йўналтириш босқичларида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятларга тўқнаш келиш хавф остида бўлган шахслар орасидан одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш учун идентификация қилишга йўналтирилган ижтимоий дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади.

3-боб. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш тартиби

16. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

17. Дастлабки идентификация қилиш жараёни ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг маҳсус жиҳозланган хонасида, ҳар бир шахс билан алоҳида, хавфсиз муҳитда, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг асосий эҳтиёжлари (озик-овқат ва сув, мос кийим, биринчи зарур тиббий ёрдам) қондирилгандан сўнг амалга оширилади.

18. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлашнинг дастлабки босқичида шифокорлар ёки тиббиёт ходимлари уларнинг соғлиғи ҳолатини, жисмоний шикастланишлар ва касалликлар мавжудлигини қайд этишлари шарт. Агар дастлабки идентификация қилиш босқичида шифокор ёки соғлиқни сақлаш мутахассиси мавжуд бўлмаган тақдирда, дастлабки идентификация қилишни амалга оширувчи ваколатли давлат органининг мутахассиси (кейинги ўринларда – мутахассис) соғлик ва жисмоний шикастланишларни (агар мавжуд бўлса) танасини кўздан кечириш асосида қайд этиши керак.

19. Дастлабки идентификация қилишда мутахассис одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга улар тушунадиган тилда ўзини таништириши ва улар билан ишлашдаги ролларини тушунтириши, шунингдек, идентификация жараёнлари ҳақида тўлиқ маълумот бериши ҳамда зарур ҳолларда психологнинг иштирокини таъминлаши шарт.

Мутахассис одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга чукур руҳий, ижтимоий, жисмоний ва бошқа таъсир ёки жароҳат билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор, алоқа ва бошқа хусусиятларни ҳамда одам савдосидан жабрланган эркак ва аёлларнинг турли талаб, хоҳишистаги, қизиқишини ва эҳтиёжларга эга бўлишигини инобатга олиб, камситилишга йўл қўймаслик каби ёндашувлар асосида сухбат олиб бориши лозим.

20. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг дастлабки идентификацияси сухбат шаклида амалга оширилади ва уни ўтказиш учун шахсдан розилик олиш талаб этилади.

21. Шахс одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида дастлабки идентификациядан ўтишга розилик берган бўлса, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

22. Агар шахс одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида дастлабки идентификациядан ўтишга розилик бермаган бўлса, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш тўхтатилиади.

23. Сухбат ўтказиш жараёнида мутахассис одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни куйидаги маълумотлар билан таништириши шарт:

одам савдосидан жабрланганлик ҳолатига аниқлик киритиш учун дастлабки идентификациядан ўтиш тартиби;

дастлабки идентификация жараёнида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган шахс сифатида тан олинса, унга ҳимоя ва Конунда кўрсатилган ёрдам турларидан фойдаланиш хуқуқи;

одам савдосидан жабрланган шахслар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиниши.

24. Дастлабки идентификация куйидаги асослар мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин:

одам савдоси жиноятларидан жабрланган шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ва қонуний вакилларининг аризалари;

корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари;

дастлабки идентификацияни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни бевосита ўзлари аниқлаши;

одам савдосидан жабрланганларнинг мурожаат қилишлари учун мўлжалланган “ишонч телефони”га келиб тушган мурожаатлар;

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрлаган деб тахмин қилинаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига бевосита мурожаат этганида, шунингдек, хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг тегишли ахбороти;

шахсларнинг ўз айбини бўйнига олиш ҳақидаги аризалари.

25. Ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, мутахассис 5 суткадан кечиктирмасдан ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ одам савдосидан жабрланган шахсларни дастлабки идентификация қилиш учун сухбат ўтказади.

26. Сухбат давомида етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, шахс одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олинади ёки рад этилади ва ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш анкетаси тўлдирилади.

27. Дастлабки идентификация қилиш давомида мутахассис одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни куйидаги хуқуқлари билан таништиради ҳамда одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинганда, уларнинг ушбу хуқуқлардан фойдаланиши таъминланади:

- тиббий ёрдам олиш;
- психологик ёрдам олиш;
- хуқуқий маслаҳат олиш;
- вақтинча яшаш жойидан (бошпанадан) фойдаланиш;
- яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатиш;
- таржимон хизматларидан текин фойдаланиш.

28. Сухбат ўтказган мутахассис қуйидагиларни расмийлаштиради:

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шаклда дастлабки ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида аризани тўлдириб, агар ёрдам олишни рад этса, ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шаклда ҳамда ўз ваколати доирасида аризани кўриб чиқади ёки ваколат доирасига кирмаса тегишлилиги бўйича ваколатли давлат органига юборади;

ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ дастлабки ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида аризани ёки ёрдам олишни рад этса, 7-иловага мувофиқ аризанинг бир нусхасини одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга топширади.

29. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган шахсларни ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни аниқлаш учун мутахассис ушбу Низомга 8-иловада кўрсатилган мезонларга мувофиқ ушбу шахсларни дастлабки идентификация қиласади.

30. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниклаш учун дастлабки идентификация қилишнинг қуидаги мезонлари амалга оширилади:

ҳаракатлар, яъни шахснинг розилиги билан ёки розилигисиз амалга ошириладиган одамни олди-сотди қилиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш;

таъсир ўтказиш воситаларининг қўлланилганлиги, яъни куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор қилиш эвазига оғдириб олиш;

мақсад, яъни одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишилигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олиш ҳаракатларининг мавжудлиги.

31. Шахс одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида эътироф этилганда, мутахассис мазкур шахсни унинг ҳуқуқлари билан таништиради ва унинг розилиги билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнаттага қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияга (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссия) шахсни якуний идентификация қилиш масаласини кўриб чиқиш учун ҳужжатларини юборади, зарур бўлганда жисмоний ва психологик жиҳатдан тикланишида ёрдам кўрсатиш учун ихтисослаштирилган муассасага юборади.

32. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс билан суҳбат ўтказиш жараёни мутахассис томонидан амалга оширилади.

33. Суҳбат савол-жавоб тарзида ўтказилади ва унда мутахассис савол бериш йўли билан одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахснинг идентификация анкетасини тўлдиради. Мутахассис суҳбат давомида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахснинг руҳий ва жисмоний ҳолатини инобатга олган ҳолда, суҳбатни тўхтатиши ва уни бошқа вақтда давом эттириши мумкин.

34. Суҳбат якунида мутахассис:

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсдан олинган маълумотларни таҳлил қиласи;

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсдан дастлабки идентификация мезонларига мувофиқ олинган маълумотлар асосида якуний идентификацияни амалга ошириш, зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ва ушбу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияга киритади;

агар шахс одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида эътироф этилган бўлса, ушбу Низомга 9-иловага мувофиқ қарор қабул қилинади ҳамда унга одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтириш жараёнида иштирок этиш учун ариза бериш таклиф этилади;

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсга Конунда кўрсатилган ёрдамлар кўрсатилиши учун ариза олинади.

35. Якуний идентификация шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисидаги қарор келиб тушган пайтдан эътиборан худудий комиссия томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуннинг 28-моддасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

36. Якуний идентификация маъмурий жавобгарлик, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижкроя тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ худудий комиссиялар томонидан одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларга ойдинлик ва аниқлик киритилгандан кейин шахсни ушбу Низомнинг 10-иловасига мувофиқ одам савдосидан жабрланган деб топиш тўғрисида қарорни қабул қилиш орқали амалга оширилади

37. Одам савдосидан жабрланган деб тан олинган шахс ижтимоий реабилитация ва мослашув ҳукуқига эга.

4-боб. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтириш

38. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтириш уларга зарур бўлган ёрдамни, ҳимояни ва реабилитацияни таъминлаш учун амалга оширилади.

39. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтириш уларнинг ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ ёзган аризаси асосида амалга оширилади.

40. Дастребаки идентификация натижасига кўра, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга зарур бўлган ёрдамни кўрсатиш учун қайта йўналтириш тартиби белгиланади.

41. Қайта йўналтириш одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг розилиги билан фақат қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

одам савдосидан жабрланган шахсларни қайта йўналтириш улар учун хавф туғдирмаса;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни одам савдосидан жабрланганларни реабилитация қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш талаб этилса;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар уларни қайта йўналтиришни амалга оширувчи давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш хукуқидан фойдаланишдан бош тортмаса.

42. Қайта йўналтиришни амалга ошираётган ваколатли давлат органлари одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга қуидагилар ҳақида маълумот беради:

одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш тизими;

вақтингачалик яшаш жойидан (бошпанадан) фойдаланиш хукуқи;

одам савдоси жиноятларини содир этилишини ташкил этаётган ва амалга ошираётган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хукуқи;

ёрдам бериш ва ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг розилиги билан одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларга (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган муассасалар) юборилиши.

43. Ихтисослаштирилган муассасаларда тез тиббий ёрдам, психологик ёрдам, хукукий маслаҳат, таржимон хизматларидан текин фойдаланиш хукуқи, вақтинча яшаш жойи (бошпана) билан таъминлаш ҳамда яқин қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига ёрдам берилади.

44. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришда мутахассис томонидан қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатишни ташкил этиш;

одам савдоси жиноятларини содир этишда иштирок этаётган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилишни таклиф этиш;

заруратга кўра, Қонунда белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа соҳаларда ёрдам кўрсатилишига кўмаклашиш ва йўналтириш;

одам савдосидан жабрланган шахслар тўғрисида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш.

45. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

дастлабки тиббий текширувни амалга оширилиши, уларга тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳамда ихтисослаштирилган муассасаларга юборилишини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганлар тўғрисида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш.

46. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг тизимидағи ташкилотлар томонидан қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

дастлабки идентификацияни амалга оширувчи мутахассислар берган хабар асосида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга ва камситишга, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилишига дучор этилган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, оғир молиявий ахволга тушиб қолган фуқароларнинг ватанга қайтариш;

одам савдосидан жабрланган шахсларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланилиши мумкин.

47. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

одам савдоси жиноятларини содир этишда иштирок этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ваколат доирасида терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган тартибда дахлсизлигини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун уларни тегишли орган ва ташкилотларга йўналтириш.

48. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

хорижий давлатларда одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

хорижий давлатлардан одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб келинишини таъминлаш;

заруратга кўра, хорижий давлатларда одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставида назарда тутилган хукуқларини таъминлаш;

одам савдоси жиноятларини содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида маълумот бериш.

49. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг тизимидағи ташкилотлар томонидан куйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга хукуқий ёрдам ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ваколатига кирувчи масалаларда ёрдам кўрсатиш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини хукуқий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш фаолиятида қатнашаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларида ушбу фаолият билан шуғулланиш ваколати юзасидан мониторинг юритиш ҳамда қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш.

50. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни қайта йўналтиришни амалга ошираётган ваколатли давлат органларига куйидаги чора тадбирлар амалга оширилишида кўмаклашади:

хукуқий, тиббий ва психологияк ёрдам кўрсатиш ва жабрланганларни ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасига олиб келиш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни касбга йўналтириш ва мослаштириш;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини тушунтириш;

одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

одам савдосидан жабрланган шахсларга вактинча бошпана бериш.

5-боб. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахс билан ишлаш

51. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш ушбу Низомга 11-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

52. Мутахассис вояга етмаган шахсларни одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар сифатида идентификация қилганда, уларнинг “Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган ҳукуклари амалга оширилиши учун Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссияни хабардор қиласи.

53. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссия одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилган мутахассис билан биргаликда ҳукуқ ва қонуний манфаатларни таъминлаш учун зарур ҳолларда зудлик билан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларга қайта йўналтиради.

54. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтиришда қуйидагилар таъминланади:

вояга етмаган шахсларнинг уй-жойи хавфсизлиги, дахлсизлиги, хат-хабарлари сир тутилиши;

эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, ҳукуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилиниши;

таржимон, педагог ёки психолог, шу билан бирга қонуний вакилнинг иштироки.

55. Хориждаги одам савдосидан жабрланган ва одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Хорижда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг болаларини Ўзбекистон Республикасига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ олиб келинади.

56. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчилар қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласининг қаердалигини билмаса, дастлабки идентификацияни амалга оширган мутахассис бошқа ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда вояга етмаган шахслар оиласини қидириш ёки уларга васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.

57. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни дастлабки идентификация қилиш учун ушбу жараён улар билан маҳсус жиҳозланган хонада, қайд этишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда, ота-онаси ёки қонуний вакили, ҳомийлик ҳамда васийлик органининг вакили ва психолог иштирокида сухбат ўтказиш орқали амалга оширилади.

58. Сухбат вояга етмаган шахсларнинг жинси, ёши ва бошқа ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар билан сухбат бир хил жинсдаги мутахассис томонидан ўтказилади.

59. Ўзбекистон Республикаси худудида одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилиш бўйича сухбатда вояга етмаган шахслар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштирок этиши таъминланади.

Вояга етмаган шахслар сухбатда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштирок этишини рад этган тақдирда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикаси инспектори ҳамда психологнинг иштироки таъминланади.

Хориждаги одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар билан сухбат масофавий видео-алоқа каналлари орқали ўтказилади.

60. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар билан сухбат ўтказишдан мақсад унинг ёши, фуқаролиги, ота-онаси ёки васийларининг мавжудлиги ва уларнинг қаердалиги ҳақида маълумотлар тўплашдан иборат.

61. Вояга етмаган шахслар дастлабки идентификация босқичида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар сифатида ушбу Низомга мувофиқ тан олинади.

62. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахслар чет эл фуқаролари бўлса, идентификацияни амалга оширувчи давлат органининг мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади.

63. Идентификация қилиш учун ваколатли давлат органининг одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилиш тўғрисидаги қарор уларнинг розилигидан қатъи назар қабул қилинади.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан эса уларнинг ихтиёрий розилиги билан, қонуний вакилининг ва (ёки) ҳомийлик ҳамда васийлик органи вакилининг, тегишли ихтисослаштирилган муассаса вакилларининг мурожаати асосида қарор қабул қилинади.

64. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларга нисбатан олиб борилаётган барча ҳаракатлар “Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва халқаро шартномалари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар тўғрисидаги шахсий маълумотларнинг ноошкоралигини таъминлаш тартиби

65. Қуйидагилар одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар тўғрисида шахсий маълумотлар ноошкоралигини таъминловчи субъектлар (кейинги ўринларда – субъектлар) ҳисобланади:

одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, қайта йўналтириш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва сұхбат жараёнида иштирок этувчи ваколатли давлат органлари;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари (келишилган ҳолда);

халқаро ташкилотлар (келишилган ҳолда);

ташкилий-хуқуқий шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар ихтисослаштирилган муассасалар.

66. Мутахассис сұхбат пайтидан бошлаб, одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақидаги шахсий маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

Одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлашда иштирок этадиган субъектлар махфий ахборотни ҳимоя қилиш бўйича идоравий хужжатга эга бўлиши керак, бу эса махфий маълумотлар билан ишлаш учун рухсатга эга бўлган шахслар доирасини, шунингдек, ходимларнинг махфий ахборотни ошкор қилмаслик мажбуриятини белгилайди.

67. Субъектлар маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг шахсий маълумотлари билан ишлашда қуидагиларга масъулдир:

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни улар ҳақида маълумот тўплашнинг сабаблари ва мақсадлари ҳақида хабардор қилиш;

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақида шахсий маълумотни ўзларининг ёзма ва оғзаки розилигисиз муайян мақсадлар учун узатмаслик;

одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг, улар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имкониятини яратиш;

оммавий чиқишлиарда ёки оммавий ахборот воситалари билан бўладиган учрашувларда ушбу шахслар розилигисиз уларнинг шахсига доир маълумотларни ошкор қиласлик;

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни фақат уларнинг розилиги билан ошкор этиш ва бундай ошкоралик олиб келиши мумкин бўлган хатарлар тўғрисида тушунтириш;

одам савдосидан жабрланган шахсларни тасвирлайдиган график тасвирлар ёки видеоматериаллардан фойдаланганда, уларни танитмаслик ва овозни ўзгартиришни таъминлаш.

Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ва субъектлар ушбу Низомга 12-иловага мувофиқ махфийлик тўғрисидаги келишув битимига имзо чекади.

Маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ва уларни ошкор қилиш оқибатлари масалалари бўйича мутахассисларнинг малакасини доимий равища ошириш таъминланади.

68. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг шахсий маълумотлари билан ишлашда қуидагилар тақиқланади:

ахборотни олиш ваколатига эга бўлмаган оммавий ахборот воситаларига ёки учинчи шахсларга одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар билан ишлаш ва тарқатиш;

одам савдосидан жабрланганинг шахсини аниқланиши мумкин бўлган график тасвирлар ёки видеоларни нашр этиш;

одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлашга имкон берадиган муайян ишнинг келиб чиқиши ёки ҳолати ҳақида маълумот бериш;

одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақида чоп этилган босма маълумотларни бошқалар учун фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган жойларда қолдириш.

69. Шахсий маълумотларни қабул қилувчига ушбу маълумотларни узатишида махфийлик тартиботига риоя қилиш мажбурияти юкланади.

70. Шахсий маълумотларнинг трансчегаравий узатишида халқаро шартномалар асосида қабул қилувчи томон одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликларини етарли даражада ҳимоя қилишни таъминлайди.

71. Субъектлар одам савдосидан жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси худуди орқали узатаётганда шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини таъминлайди, уларнинг бузилиши ва рухсатсиз ишлатилишининг олдини олади.

72. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларнинг шахсий маълумотларини уларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини етарли даражада ҳимоя қилишни таъминламайдиган мамлакатларга ўтказиш кўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

шахсий маълумотларни узатиш учун одам савдосидан жабрланган шахсларнинг розилиги;

агар одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун маълумотларни узатиш зарур бўлса;

оммавий фойдаланилаётган маълумотлар ичида шахсий маълумотлар мавжуд бўлса.

73. Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг шахсий маълумотларини жаҳон интернет ахборот тармоғи орқали узатишида бундай маълумотларни узатувчи субъект ахборотнинг махфийлигига риоя қилган ҳолда, уларни зарур ҳимоя воситалари билан таъминлаши шарт.

74. Одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар тарқатилиши уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид соладиган бўлса ошкор қилинмайди.

7-боб. Якунловчи қоидалар

75. Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилишни ва қайта йўналтиришни молиялаштириш ҳамда моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

76. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

77. Дастлабки идентификациянинг нотўғри амалга оширилиши, етарли асосларсиз одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган шахс сифатида эътироф этилиши натижасида шахсларга кўрсатилган ёрдамлар учун сарфланган бюджет маблағлари дастлабки идентификацияни амалга оширган давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Шахс қонун ҳужжатларида кўрсатилган хуқуқларга эга бўлиш мақсадида ёлғон хабар берса, қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортилади ва етказилган зарарни қоплаб беради.

78. Идентификация жараёнида шахс ўзига нисбатан қабул қилинган қарорлардан қониқмаса, Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия ва Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия раисларига мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Одам савdosидан жабрланган жисмоний шахс ёки ушбу ҳолатдан хабардор бўлган бошқа шахслар	Ваколатли органлар ва ташкилотларга мурожаат қиласи ёхуд хабар беради.	Зудлик билан
2-босқич	Ваколатли орган ва ташкилотлар	1. Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида дастлабки идентификациядан ўтишга розилигини олади. 2. Дастлабки идентификацияни амалга оширади. 3. Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.	5 кун ичида
3-босқич	Ваколатли орган ва ташкилотлар	1. Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган шахснинг хукуқларини тушунтиради. 2. Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсга белгиланган ёрдамларни кўрсатади, агарда чет давлатда бўлса ватанга қайтариш чораларини кўради. 3. Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсга хукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишни таклиф этади.	Карор қабул қилингандан сўнг
4-босқич	Одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс	Ваколатли органга хукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши тўғрисида розилик беради ёки ҳамкорликни рад этади.	Мурожаат қилинган кундан эътиборан 30 суткадан кам бўлмаган муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажарыш муддатлари
5-босқич	Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар	Одам савдоси жиноятларини содир этишда иштирок этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширади.	Шахснинг розилигидан сўнг ЖПК доирасидаги муддатлар
3.6. Трансплантация учун инсон аъзолари ва тўқималарини ажратиб олиш.	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 133-моддасида назарда тутилган инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар.	<p>Тиббий сабабларга кўра шошилинч жарроҳлик операцияси пайтида одам савдосидан жабрланганлар ва уларнинг яқинларининг розилигисиз органлари олинган ҳолатларга тааллуқли бўлади.</p> <p>Жабрланувчи пул мукофоти эвазига аъзоларидан бирини ажратиб олишга розилик бериши, лекин ушбу органни ажратиб олиш жараёнда жабрланувчидан розилик олинмаган ва огоҳлантирилмаган яна бошқа бир органни ажратиб олиш ҳолатлари ҳам бўлади.</p> <p>Бу ҳолат ҳақида жабрланувчи орадан бирор вақт ўтгач, саломатлиги тўсатдан ёмонлашгандан кейингина хабар топиши мумкин.</p>
3.7. Ноқонуний бола асраб олиш мақсадида боланинг ҳуқуқларини сунистельмол қилиш.	Эксплуатацияда қўллаш мақсадида болани ноқонуний асраб олишга қаратилган ҳаракатлар.	Болани ноқонуний асраб олиш, агар болани эксплуатацияда (молиявий ёки бошқа мақсад ва манфаатлар учун сунистельмол қилиш) қўллаш мақсадида амалга оширилса, одам савдосининг ажралмас қисми бўлиши мумкин.
3.8. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган фаолият билан шуғулланишга мажбуrlаш.	Одам савдосидан жабрланган шахс томонидан қонун билан ҳимоя қилинадиган асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келувчи фаолият билан шуғулланишга қаратилган ҳаракатлар.	Жабрланувчига нисбатан ноқонуний таъсир ўтказиш усувларини қўллаш орқали содир этилади.

Асосий турлари	Белгилари	Белгилари учун түшүнчалар
II. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсларни идентификация қилиш мезонлари		
1. Жиной ҳаракатлар		
1.1. Ёллаш.	<p>Ёллаш белгилари күйидагилардан таркиб топган бўлиши мумкин:</p> <p>1) ёллаш мақсадида ёлғон маълумотлар бериш орқали алдов:</p> <p>жамоат жойлари тўғрисида маълумотлар (дам олиш жойлари, бўш иш ўринлари ярмаркалари, хорижий таълим муассасаларида таълим дастурларини ёритишига қаратилган тадбирлар, турли танлов мусобақалари кабилар);</p> <p>бевосита алоқадор шахслар (қариндошлар, танишлар);</p> <p>интернет орқали алоқалар;</p> <p>сайёхлик, иш билан таъминлаш, миграция, танишув ёки никоҳни расмийлаштириш агентликлари орқали алоқалар;</p> <p>фарзандликка асраб олиш;</p> <p>оммавий ахборот воситаларида реклама жойлаштириш; чет эл фуқаролигини олиш учун ваъдалар;</p> <p>фирибгарлик;</p> <p>2) күйидаги усууллар ёрдамида мажбурлаш:</p> <p>одам савдосидан жабрланган – вояга етмаган шахс ва унинг яқинларига нисбатан зўравонлик кўллаш;</p> <p>ўғирлаш;</p> <p>никоҳга мажбурлаш;</p> <p>товламачилик (шантаж).</p>	<p>Ёллаш жараёни қандай шароитларда амалга оширилганлигидан қатъи назар, ушбу илованинг 2-бандида кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун болани танлов орқали жалб этиш.</p> <p>Ёллаш деганда, жисмоний ёки жисмоний ёки юридик шахсларни излаш, танлаш ва ёллаш бўйича моддий манфаат эвазига бирор бир кўринишдаги фаолиятни ёлловчини манфаатини кўзлаган ҳолда бажариш, хизмат кўрсатиш тушунилади.</p> <p>Ёллаш жараёни келиб чиқиши, транзит ёки белгиланган давлатда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ёллаш жисмоний шахслар томонидан ҳам (эркаклар, аёллар, оиласи жуфтликлар) ва юридик шахслар томонидан (турли хил юридик ва ноконуний бандлик агентликлари, сайёхлик агентликлари ва бошқалар) амалга оширилиши мумкин.</p> <p>Ишга ёллашда ёлғон маълумотлар күйидагилар бўлиши мумкин:</p> <p>таълим олиш имкониятлари;</p> <p>ишга жойлашиш шартлари;</p> <p>таклиф қилинган меҳнат шартномасининг қонунийлиги;</p> <p>чет элда оила аъзолари билан учрашиш имконияти;</p> <p>яшаш шароитлари;</p> <p>бошқа давлатда иш топиш ва унда яшаш учун зарур бўлган хукукий хужжатларни олиш;</p> <p>таклиф қилинган ишнинг моҳияти;</p> <p>таклиф қилинган иш ҳақи.</p>
1.2 Ташиш (транспортировка).	Ушбу шахсни янада кўпроқ эксплуатация қилиш мақсадида одамни турли транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки фойдаланмасдан давлат худудида ёки чет элда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш.	Ташиш / транспортировка қилиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:
1) одам савдосидан жабрланган боланинг доимий яшаш жойи бўлган давлат ичидағи худуддан бошқа худудда (мамлакат ичкарисидаги одам савдоси) ёки чет элдаги (трансмиллий одам савдоси) одам савдоси;		
2) транспорт воситаларидан фойдаланган (автомобиль, самолёт ва		

Асосий турлари	Белгилари	Белгилари учун тушунчалар	
1.3. Топшириш.	Болани топшириш – одам савдоси жабрланувчисига айланиш эхтимолидаги болани бир шахс томонидан бошқа бир шахсга келгусида эксплуатацияда қўлланилиши мақсадида топшириш.	бошқалар) ёки улардан фойдаланмаган ҳолда (транспорт воситаларида харакатланиш қийин ва/ёки муаммоли бўлган жойларда пиёда); 3) уошган жиноий гурухлар каби транспорт компаниялари томонидан.	
1.4. Яшириш	Одам савдоси жабрланувчиси - болани давлат органлари вакиллари ёки жиноят тўғрисида хабар беришга қодир бўлган учинчи шахслар томонидан аниқланишига йўл қўймаслик учун яширин жойларга жойлаштириш.	Одам савдоси қурбонига айланган болани яшириш унинг асосий яшаш жойидан бошқа аҳоли яшаш пунктида амалга оширилади. Бу меҳмонхона, меҳмонхона уйи ёки хусусий уй-жой бўлиши мумкин. Одатда, одам савдосидан жабрланганларни бошқа шахслар билан расмий ва норасмий мулоқотдан бўлишларидан сақлашади. Яширишни аниқлаш қийин жараён ҳисобланади, чунки бу ҳолат мажбурлашдан кўра кўпроқ яшаш жойи билан таъминлашга таалуқли бўлади. Яшаш жойи билан таъминлаган шахснинг айбордлиги ва айбордлик даражаси ҳолат бўйича қай даражада хабардор эканлигига боғлиқ бўлади.	
1.5. Шахсни қабул қилиш.	Одам савдоси жабрланувчисига айланган болани топширувчи шахсдан уни келгусида эксплуатацияда қўллаш мақсадида бошқа бир шахс томонидан қабул қилиш.	Одам савдоси жабрланувчисига айланган болани қабул қилиш ҳам топшириш жараёнидаги мол-мулк бўйича ўзаро келишув каби амалга оширилади. Бу каби ҳолатлардаги асосий эътибор эгалик қилувчи янги “хўжайин”нинг харакатларига қаратилади. Эгалик қилувчи янги “хўжайин” одам савдоси жабрланувчисига айланган болани аввал эгалик қилган “хўжайин”дан моддий манфаат эвазига қабул қиласди. Шахсни қабул қилиш бандлигини таъминлаш ёки келгусида эксплуатацияда қўллаш мақсадини тахмин қиласди.	
2. Кўзланган мақсадлар	2.1. Бошқа шахсларнинг шахвоний хизматлари эксплуатацияси (тижорат йўлида шахвоний хизматлар эксплуатацияси).	Одам савдосидан жабрланган болани фоҳишабозлик билан шуғулланишга, порнографик материалларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва айланмасини амалга ошириш, уларни сотиб олиш, сотиш ёки сақлаш мақсадида тайёрланадиган порнографик томошаларда қатнашишга, бошқа турдаги жинсий эксплуатация турларида	Эксплуатация – бу шахснинг ихтиёрига қарши бирор-бир иш ёки хизмат кўрсатишга ноқонуний мажбурлаш (мажбурлаш воситаси сифатида қўлланиувчи юридик, жисмоний ёки психологик омиллар) сабабли ушбу иш ва хизматларни бажаришни рад эта олмасликинг англашади. Эксплуататор одам савдосидан жабрланган болага турли таъсир ўтказиш чораларини қўллаши мумкин.

Асосий турлари	Белгилари	Белгилари учун тушунчалар
	фойдаланиш ёки жинсий характердаги бошқа ҳаракатларга мажбурлаш.	<p>Таъсир ўтказиш чоралари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкинligини инобатга олиш зарур, масалан:</p> <p>ёмон шарт-шароитлардаги иш жойига ўтказиш;</p> <p>келгусида яхши ишларда ишлашга йўл қўймаслик;</p> <p>яшаш жойи ва кундалик эҳтиёжлардан маҳрум қилиш ва бошқалар.</p> <p>Шаҳвоний хизматлар эксплуатацияси ҳолатида эксплуататор аниқ моддий манфаатни кўзлади.</p> <p>Одатда одам савдосидан жабрланган бола эксплуататорнинг доимий назорати остида бўлади ва шаҳвоний характердаги хизматларни мажбуровлар остида ёки хизмат ҳаққи тўловини кутиб амалга оширди, лекин эксплуататор:</p> <p>умуман ҳақ тўламайди ёки жуда ҳам кам миқдорда арзимас ҳақ тўлади;</p> <p>кутилаётган тўловдан асоссиз равишда сезиларли миқдорда чегириб қолади.</p> <p>Шаҳвоний хизматлар ёки порнографияда одам савдосидан жабрланган боладан мажбурий фойдаланиш эксплуататор ёки бошқа шахслар учун моддий даромад келтирувчи сердаромад фаолият саналади.</p>
2.2. Шаҳвоний эксплуатациянинг бошқа шакллари шаҳвоний эксплуатация (нотижорат)	Жиноий хатти-ҳаракатни содир этган шахснинг ёки бошқа шахсларнинг мол-мулки ҳажмига бевосита таъсир қўлмайдиган фаолият бўлиб, бу ўзаро расмий никоҳ (шу жумладан, кўпхотинлиликда), шаръий никоҳ ёки бошқа шунга ўхшаш яшаш турларида намоён бўлади.	Нотижорат шаҳвоний хизматлар эксплуатациясига мажбурий биргаликда яшаш ёки мажбурий никоҳ мисл бўла олади. Бу каби ҳолатлардаги муносабатларда моддий манфаатдорлик кўзланмайди.
2.3. Мажбурий меҳнат.	<p>Мажбурий меҳнат – бу шахс ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф қилмаган, ҳар қандай жазо таҳди迪 остида ҳар қандай шахсдан талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришдир.</p> <p>Мажбурий меҳнат белгилари камидаги кўйидагиларни ўз ичига олади:</p> <p>иш ёки хизматларни алдаш, мажбурлаш, зўравонлик ёки зўравонлик таҳди迪 билан таъминлаш (ёки бажариш);</p> <p>зўравонлик ёки зўравонлик таҳди迪 остида ўта оғир (ноқулай) иш шароитлари ва кун кўриш/яшаш шароитлари;</p>	Мажбурий меҳнат ҳолатини иш берувчининг меҳнат қонунчилигини бузган ҳолатидан ажратса олиш керак. Мисол учун, ходимга белгиланган давлатда иш ҳаққи учун белгиланган энг кам иш ҳаққини тўлашдан бош тортиси мажбурий меҳнат белгиси эмас. Бироқ, агар иш берувчи қонун билан тақиқланган мажбурий воситалар ва усуулларни кўллаган ҳолда ишчининг иш жойини тарқ этишига тўскинилик қилса, бу фактлар мажбурий меҳнатнинг белгиси хисобланади. Мажбурий меҳнат ихтиёрига (ўз хоҳиш-иродаси ва иродасига) қарши ва жазоланиш таҳди迪 остида (мажбурлаш йўли билан) амалга ошириладиган иш деб кўриб чиқилиши зарур. Мажбурий меҳнат одам савдосидан жабрланганинг хоҳиш-иродасига қарши мажбуран межнат қилишга ундаш бўлиб, бунда жабрланувчи бошқа ҳолатларда ўз эрки ва истагига кўра бу каби меҳнат шарт-шароитларга розилик бермаслигини, алдов (ёллаш) ва мажбурлаш орқали иш топишни англатади. Ҳаддан ташқари

Асосий турлари	Белгилари	Белгилари учун тушунчалар
	<p>зўравонлик ёки зўравонлик таҳдидини қўллаш орқали ҳар қандай вақтда меҳнат муносабатларини тўхтатиш имкониятини чеклаш ва маҳрум қилиш. Мажбурлаш ва жазо белгилари куйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none">ишчининг заиф ахволини суиистеъмол қилиш;ҳаракатни чеклаш;изоляция/яккалаш;жисмоний ва жинсий зўравонлик;кўрқитиш ва таҳдидлар;паспорт ва бошқа шахсий хужжатларни ёки шахсий буюмларини мусодара қилиш ёки ушлаб туриш;иш ҳаққининг маълум микдорини ушлаб қолиш;қарзини қоплаш (қарздорлик гирдоби), шунингдек, мажбурий қарздорлик оқибатида юзага келган қарзларини тўлатиш мақсадида одам савdosидан жабрланган шахсни мажбуран ушлаб туриш.	<p>ноқулай иш шароитлари куйидагиларни ўзида акс эттиради, масалан, хавфли иш (жиддий жароҳат ёки шикастланиш, шу жумладан ўлимга олиб келувчи омиллар), заарли меҳнат шароити (касалликларга олиб келувчи, шу жумладан мавжуд касалликларни янада кучайтирадиган омиллар), ортиқча иш юклamasи (белгиланган меҳнат мъёёрлардан ортиб кетувчи омиллар), белгиланган вақтдан ортиқ иш вақти (дам олиш ва овқатланиш вақтини чекланиши, бўш вақт назорати ва ҳ.к.), яъни меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган меҳнат шароитлари.</p> <p>Ҳаддан ташқари ноқулай яшаш шарт-шароитлари ёмон ҳолатдаги майший турар-жойларни (авария ҳолатидаги, қурилиши тугалланмаган ёки бошқа яроқсиз бинолар/иншоотларда яшаш, санитария шароитларига жавоб бермайдиган жойлар, яшаш жойини эркин танлашни тақиқлаш) ўз ичига олади.</p> <p>Ҳар қандай вақтда меҳнат муносабатларини тугатиш тўғрисида онгли равиша розилик беришнинг имконининг чекланганлиги ва эркин карор қабул қилиш истаги билдирилганда, иш берувчи томонидан жазоланиш ёки ишчининг саломатлигига таъсир кўрсатувчи вазият юзага келтирилади.</p> <p>Мажбурий меҳнат шароитида шахсни ушлаб туриш учун жазо таҳдиди сифатида қуйидаги кенг қамровли воситалар қўлланилиши мумкин бўлиб, улар бирор бир кўринишдаги меҳнат ёки хизматни бажаришга мажбурлашни қамраб олади: жисмоний ва психологик зўравонлик ва таҳдидлар; иш ҳаққининг кўп қисмини ушлаб қолиш, масалан, озиқ-овқат ва турар жой учун ортиқча чегирмаларни ўзлаштириб олиш;</p> <p>иш берувчи тегишли меҳнат ҳаққини келишилган тартибда тўлаб бермаслик мақсадида шахснинг меҳнат ёки хизматини айни вақтдаги шарт-шароитда давом эттириши учун мажбурлаш мақсадида иш ҳаққини тўлаб бермай, ушлаб қолиш ёки иш ҳаққидан қисман ушлаб қолиш; ўз меҳнат ҳаққини назорат қилиш ва даромадини эркин тасаррuf этиш имкониятининг чекланганлиги; оила аъзоларига таҳдид қилиш; қарзлари билан манипуляция қилиш; яккалаш, яъни изоляция (бошқалар билан алоқада бўлишни қисман ёки тўлиқ чекланиши, масалан, телефон алоқалари ёки бошқа алоқа воситаларига чеклов кўйилиши ёки тақиқланиши кабилар); ўз оиласи ёки дўстларидан ажратиб кўйиш ва/ёки чекланган жойлардаги одамлар билан ишлаш ёки яшашга мажбур қилиш.</p>

Асосий турлари	Белгилари	Белгилари учун тушунчалар
		<p>Яккалаш, яни изоляция бу каби ҳолатларда шахснинг ўз хошиш-иродасига қарши ушлаб туришни, яни ёпик мұхитда ёки иш жойда сақлаш, бошқа ишга ўтиши, яшаш жойини ўзgartириши ёки ҳаракатланишини чекланишини ўз ичига олади.</p> <p>Бундан ташқари шахс доимий ёки қисман назорат остида бўлиши мумкин.</p>
2.4. Қулликдаги эксплуатация ёки қулликка ўхшаш одатлар.	<p>Қуллик – бу шахснинг ахволи ёки ҳолати бўлиб, мазкур шахсга нисбатан бошқа бир шахснинг унга бўлган эгалик, мулкчилик хукуқи саналади.</p> <p>Қулликка ўхшаш шароитлар – бу шахсни муайян шарт-шароитларда сақлаш ёки ушлаб туриш, бошқа бир шахс томонидан бошқарилиши ёки шахсга нисбатан куч ишлатилиши, маълум хизматларни кўрсатиши учун алдов ёки зўравонликни қўллаш таҳди迪, шу жумладан бирга яшашга кўндириш, биргаликдаги никоҳда яшаш учун мажбуран ушлаб туриш саналади.</p>	<p>Қуллик – бу инсоннинг меҳнатидан фойдаланиш бўлиб, унга нисбатан мулкдорлик хукуқига хос бўлган ваколатлар амалга оширилади, агар бу шахс ўз назоратидан ташқари сабабларга кўра ушбу меҳнатни (ишларни, хизматларни) бажаришдан бош торта олмаса.</p>
2.5. Жиноий фаолиятда фойдаланиш.	Жиноят содир этишга мажбураш.	<p>Болаларни мажбуран уюшган жиноий гурухларга жалб қилиш ҳолатларида катталарнинг ўзи ҳам иштирок этади ҳамда бошқаради.</p> <p>Болаларнинг бундай жиноий гурухларда иштирок этишга жалб қилиниши баъзи жиноятларнинг хусусиятларига боғлиқ бўлиб, бунда боланинг танаси жиноятни амалга оширишда мухим ўрин тутади (ёпик биноларга дераза, панжара, туйнук ва бошқалар орқали кириш).</p>
2.6. Трансплантация учун инсон аъзолари ва тўқималарини ажратиб олиш.	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 133-моддасида назарда тутилган инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар.	<p>Тиббий сабабларга кўра шошилинч жарроҳлик операцияси пайтида болалар, одам савдосидан жабрланган болалар ва уларнинг яқинларини розилигисиз органлари олинган ҳолатларга тааллуқли бўлади.</p> <p>Жабрланувчи пул мукофоти эвазига аъзоларидан бирини ажратиб олишга розилик бериши, лекин ушбу органни ажратиб олиш жараёнда жабрланувчидан розилик олинмаган ва огоҳлантирилмаган яна бошқа бир органни ажратиб олиш ҳолатлари ҳам бўлади.</p> <p>Бу ҳолат ҳакида жабрланувчи орадан бироз вақт ўтгач, саломатлиги тўсатдан ёмонлашганидан кейингина хабар топиши мумкин.</p>
2.7. Ноқонуний бола асраб олиш мақсадида боланинг хукуқларини суиистеъмол қилиш.	Эксплуатацияда қўллаш мақсадида болани ноқонуний асраб олишга қаратилган ҳаракатлар.	<p>Болани ноқонуний асраб олиш, агар болани эксплуатацияда (мoliaвий ёки бошқа мақсад ва манбаатлар учун суиистеъмол қилиш) қўллаш мақсадида амалга оширилса, одам савдосининг ажралмас қисми бўлиши мумкин.</p>

Асосий турлари	Белгилари	Белгилари учун тушунчалар
2.8. Тиланчилик билан шуғулланишга мажбурлаш.	Одам савдосидан жабрлаган болани тиланчилик билан шуғулланишга мажбурлаш.	<p>Ўткинчи шахсларнинг болаларга нисбатан ачиниш эҳтимолининг юқорилигидан фойдаланиш мақсадида бўлган катталар, бъязан отаоналар болаларни тиланчилик қилишга мажбур қилишади ва садақа беришга ундовчи вазиятни юзага келтиришади.</p> <p>Ёш болали аёлларни тиланчилик қилишга мажбурланган холатларда тўпланган барча даромадлар ёки тиланчиликдан тушган тушумларнинг аксарияти эксплуататорлар томонидан ўзлаштирилади.</p>
2.9. Инсоннинг асосий хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш.	Одам савдосидан жабрланган бола томонидан инсоннинг қонун билан ҳимояланадиган асосий хуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келувчи фаолият билан шуғулланишга қаратилган характеристлар.	Жабрланувчига нисбатан ноқонуний таъсир ўтказиш усулларини қўллаш орқали содир этилади.

Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга
9-илова

Намуна

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Ташки ишлар вазири

“ ” 2020 йил

**Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс
сифатида эътироф этиш тўғрисида
ҚАРОР**

(ваколатли давлат органининг номи ва мутахассиснинг лавозими ва Ф.И.О)

(одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахснинг яшаш манзили,
тугилган йили ва Ф.И.О.) билан боғлиқ бўлган хужжатлар билан танишиб чиқиб

ҚУЙИДАГИЛАР АНИҚЛАНДИ

Жумладан,

(аниқланган ҳолатнинг қисқача тавсифи)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛМАН

1. Дастлабки идентификация

(тугилган йили, Ф.И.О)

билим амалга оширилди ҳамда у одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган
шахс ҳисоблансан ва тан олинсин.

2. _____,

(түгилган иили, Ф.И.О)

одам савдосидан жабрланган сифатида тахмин қилинаётган шахсни тан олиш түғрисидаги маълумотнома берилсин ва йигилган материални келгусида қўриб чиқиш учун Қонунда белгиланган тартибда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича _____ худудий комиссияга юборилсин. (худудий комиссия номи)

(масъул орган ёки муассаса ходимининг лавозими)

(Ф.И.О., имзо)

20 ____ йил “____” _____

Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга
10-илова

Намуна

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича Фарғона шаҳар худудий комиссияси раиси, Фарғона шаҳар ҳокими

(Ф.И.О.)

2020 йил “___”

**Шахсни одам савдосидан жабрланган деб топиш тўғрисида
ҚАРОР**

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича _____
худудий комиссияси томонидан, _____
манзилда яшовчи

(Ф.И.О., тузилган иили)

билин боғлиқ материаллар кўриб чиқилди.

Материалларни ўрганиш давомида қуйидагилар,

АНИҚЛАНДИ:

(аниқланган ҳолатнинг қисқача тавсифи)

Жумладан, _____.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Якуний идентификация _____
(Ф.И.О., тузилган иили)

билин амалга оширилди ҳамда у одам савдосидан жабрланган деб ҳисоблансин ва тан олинсин.

2. Одам савдосидан жабрланган деб тан олинган _____ га
(Ф.И.О., тузилган иили)

нисбатан хавфни баҳолаш, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхати тасдиқлансин.

3. Одам савдосидан жабрланган шахсни тан олиш тўғрисидаги маълумотнома берилсин.

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга

11-илова

Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажарини муддатлари
1-босқич	Одам савdosидан жабрланган вояга етмаган шахс тўғрисида хабардор бўлган шахс	Ваколатли органлар ва ташкилотларга хабар беради.	Зудлик билан
2-босқич	Ваколатли органлар ва ташкилотлар	<ol style="list-style-type: none">Дастлабки идентификацияни амалга оширади (розилигидан қатъи назар).Вояга етмаган шахсни одам савdosидан жабрланган ҳамда одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб топиш тўғрисидаги қарор унинг розилигидан қатъи назар, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахсга нисбатан эса унинг ихтиёрий розилиги билан, қонуний вакилининг ва (ёки) ҳомийлик ҳамда васийлик органи вакилининг, тегишли ихтисослаштирилган муассаса вакилларининг мурожаати асосида қабул қилинади.Вояга етмаган шахснинг оиласини қидириш ёки унга васийлик ёхуд ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга хабар беради.	5 иш кунидан кечиктирилмасдан
3-босқич	Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия	Одам савdosидан жабрланган ёки одам савdosидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсни идентификация қилган ваколатли давлат органининг мутахассиси билан биргаликда ҳукуқ ва қонуний манфаатларни таъминлаш учун ихтисослаштирилган муассасаларга қайта йўналтиради.	Қарор қабул қилингандан сўнг

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
4-босқич	Ваколатли давлат органи	<ol style="list-style-type: none">Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахс, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётгандан вояга етмаган шахс ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчилар қарамогидан маҳрум бўлган ёки ўз оиласининг қаердалигини билмаса, дастлабки идентификацияни амалга оширган ваколатли давлат органнинг мутахассиси бошқа ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда вояга етмаган шахснинг оиласини қидириш ёки унга васийлик ёки ҳомийлик белгилаш чораларини кўради.Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган тўғрисида хукукни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.	Дастлабки идентификация жараёнида ҳамда қарор қабул қилингандан сўнг
5-босқич	Хукукни муҳофаза қилувчи органлар ва унинг ҳудудий бўлинмалари	Вояга етмаган савдоси жиноятларини содир этишда иштирок этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширади.	Конуний вакил ва (ёки) ҳомийлик ҳамда васийлик органи вакилининг, тегишли ихтисослаштирилган муассаса вакилларининг розилиги билан ЖПК доирасидаги муддатлар
6-босқич	Ваколатли орган	<ol style="list-style-type: none">Тўплангандан хужжатларни яшаш жойи бўйича ҳудудий комиссияга юборади.Ихтисослаштирилган муассасаларга юборади.	<ol style="list-style-type: none">Қарор қабул қилингандан сўнгШахснинг розилигидан сўнг
7-босқич	Ҳудудий комиссия	<ol style="list-style-type: none">Вояга етмаган шахсни одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахс деб тан олиш учун якуний идентификацияни амалга оширади.Якуний идентификация қилиш зарур ҳолатлар ойдинлаштирилгандан ва аниқлаштирилгандан кейин коллегиал тарзда қарор қабул қиласди.Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахс билан якка тартибда ишлап шахсий режасини тасдиқлади.	15 кун ичидаги, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда

Одам савдосидан жабрланган ёки одам
савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган
шахсларни идентификация қилиш ва қайта
йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга
12-илова

Namuna

**Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг шахсий
маълумотларини ошкор этмаслик тўғрисида
КЕЛИШУВ БИТИМИ**

Мен, _____,
(*Ф.И.О.*)

_____,
(*муассаса номи ва лавозими*)

_____ нинг олдиндан ёзма рухсатисиз
(*Ф.И.О.*)

тўпланган шахсий маълумотларни ошкор этмаслик мажбуриятини ўз
зиммамга оламан.

(*санаси*)

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарорига
2-илова

**Одам савdosидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий
реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга
ёрдам кўrsatiш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Одам савdosидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўrsatiш ва уларни ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ижтимоий реабилитация – одам савdosидан жабrланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни одам савdosи жиноятлари билан шуғулланувчи шахсларнинг таҳдидларидан ҳимоя қилиш, етказилган зиён ўринини қоплаш, уларни жамиятда ўз ўринини топиб кетишида ёрдам кўrsatiшга қаратилган бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

қайta мослаштириш – одам савdosидан жабrланган шахсларнинг оиласарида ва жамиятда психологоқ, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларини қайta тиклаш жараёни;

масъул котиб – одам савdosидан жабrланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва қайta йўналтириш бўйича Одам савdosига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиянинг масъул ваколатли ходими;

ҳимоя остидаги шахс – одам савdosидан жабrланган ёки одам савdosидан жабrланган деб тахмин қилинаётган шахс;

ҳимояни таъминловчи субъектлар – ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлар ва ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида жиноят ишини юритаётган, терговга қадар текширувни амалга ошираётган, суриштирув, дастлабки тергов органлари.

3. Одам савdosидан жабrланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўrsatiш ва уларни ҳимоя қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Одам савdosидан жабrланган шахсларнинг ижтимоий
реабилитациясига ёрдам кўrsatiш тартиби**

4. Идентификация қилиш жараёнларидан сўнг одам савdosидан жабrланган шахслар Одам савdosига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияга (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссия)

мурожаат қилган кундан бошлаб, худудий комиссия масъул котиби одам савдосидан жабрланган шахсларни рўйхатга олиш журналига рўйхатга олади ва қуидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- хавфни баҳолашни амалга оширади;
- хавфсизлик режасини тузади (заруратга кўра);
- эҳтиёжлар рўйхатини белгилайди;

одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш бўйича шахсий режасини тузади ҳамда унинг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш бўйича шахсий режасини амалга оширишда одам савдосидан жабрланган шахсларга ҳамроҳлик қиласди;

одам савдосидан жабрланган шахсларни зарурат бўлганда, бошқа ташкилотлар ва муассасаларга ёрдам кўрсатиш учун юборади;

Одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази ҳамда Вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштиради;

чет эл фуқароси бўлган одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш ва ватанига қайтариш зарурлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасини хабардор қиласди.

5. Масъул котиб одам савдосидан жабрланган шахслар билан алоқа ўрнатади ва биринчи учрашувда қуидаги маълумотларни тақдим этади:

ижтимоий реабилитация бўйича кўрсатиладиган ёрдам турлари, уни олиш шартлари ва тартиби;

одам савдосидан жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш ва уни сақлаб қолиш.

6. Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитациясига ёрдам кўрсатиш Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича худудий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

7. Маълумот тақдим этилганидан сўнг одам савдосидан жабрланган шахслар масъул котибга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ижтимоий реабилитация ёрдамига розилик билдириш учун ариза тақдим этади.

8. Масъул котиб одам савдосидан жабрланган шахслар билан ҳамкорлик қилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ хавфни баҳолашни амалга оширади.

9. Масъул котиб хавфни баҳолашни бошлашдан олдин одам савдосидан жабрланган шахсларга баҳолашнинг мақсади ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда ушбу маълумотлардан фойдаланиш хукуқига эга бўлган субъектлар рўйхатини тушунтиради.

10. Масъул котиб одам савдосидан жабрланган шахслар билан ҳамкорлик қилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ хавфни баҳолашни амалга оширади.

11. Хавфни баҳолаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- шахсларнинг тиббий ҳолати (жисмоний ва психолого-психоневрологик ҳолат);
- зўравонлик таҳдидининг мавжудлиги;
- одам савдосидан жабрланган шахсларнинг оиласи муносабатлари;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш имконияти;

чет эл фуқароси бўлган одам савдосидан жабрланган шахсларни ватанига қайтариш тартиби;

одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларни болалар муассасаларига жойлаштириш зарурати.

12. Зарурат бўлганда, масъул котиб одам савдосидан жабрланган шахслар, билан биргаликда уч иш кунидан кечиктирмай, ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ хавфсизлик режасини ишлаб чиқади.

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ хавфсизлик режасининг алоҳида тадбирлари «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

13. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларга нисбатан хавфни баҳолашда унинг қонуний вакили ва (ёки) психолог иштирок этиши шарт. Хавфни баҳолаш вояга етмаган шахсларнинг ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

14. Хавфни баҳолаш яқунлари бўйича ҳудудий комиссия масъул котиби одам савдосидан жабрланган шахслар билан биргаликда бир кун муддатда ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ эҳтиёжлар рўйхатини ишлаб чиқади.

15. Масъул котиб эҳтиёжлар рўйхатини баҳолашдан олдин одам савдосидан жабрланган шахсларга баҳолашнинг мақсади улардан фойдаланиш, ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари рўйхати тушунтиради.

16. Эҳтиёжлар рўйхати одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий, тиббий, психологик, ҳуқуқий, таълим, майший ва бошқа эҳтиёжларини баҳолашни ўз ичига олади.

17. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларнинг эҳтиёжлар рўйхатини баҳолашда қонуний вакил ва (ёки) психолог иштирок этади. Эҳтиёжлар рўйхатини баҳолаш вояга етмаган шахсларнинг ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

18. Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг эҳтиёжларини баҳолаш тугагандан сўнг масъул котиб беш иш куни ичида комиссия раисига ишлаб чиқилган ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш учун ҳудудий комиссия аъзоларини чакириш, шунингдек, зарур ҳолларда хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таклиф қиласди.

Ҳудудий комиссия қоида тариқасида, ҳужжатларни одам савдосидан жабрланган шахсларнинг иштирокисиз кўриб чиқади.

19. Масъул котиб томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларни муҳокама қиласди, заруратга бўлганда, муайян соҳада маҳсус билимга эга бўлган шахсларни жалб қиласди ҳамда ҳужжатларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритади.

20. Хавфни баҳолаш, шунингдек, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхати комиссия қарори билан тасдиқланади.

3-боб. Одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режаси

21. Одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режаси (кейинги ўринларда – шахсий режа) масъул котиб томонидан ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ хавфни баҳолаш, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхати асосида ишлаб чиқиласди.

22. Шахсий режада куйидаги ёрдам турларини таъминлашга қаратилган тадбирлар назарда тутилиши мумкин:

вақтинча яшаш жойи (бошпана);

бепул таржимон билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланган шахсларга тушунарли бўлган тилда, уларнинг қонунчиликда мустаҳкамланган ҳукуқларига оид маслаҳат ва маълумот бериш;

хужжатларни тиклаш;

тиббий, психологик, ҳукуқий ва моддий ёрдам;

иш билан таъминлаш, таълим ва касбий тайёргарлик курсларини бепул тақдим этиш;

вояга етмаган шахсларнинг оилаларини ёки васийларини тиклаш;

одам савдосидан жабрланган шахсларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига бепул жойлаштириш.

23. Ҳудудий комиссиялар дастлабки идентификацияни амалга оширувчи давлат органи томонидан шахсни одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган шахслар сифатида эътироф этиб, зарур ёрдам олиш учун қайта йўналтирганда мазкур шахсларга вақтинча бошпана, тиббий, психологик, ҳукуқий ёрдам, таржимон хизматларидан бепул фойдаланиш ҳамда бошқа зарур ёрдамларни кўрсатади.

Агар одам савдосидан жабрланган шахслар вояга етмаган фарзандлари билан биргаликда аниқланса, улар фарзандлари билан бирга вақтинга бошпана билан таъминланади, шу билан бирга болалар ижтимоий реабилитация ва мослашиш бўйича хизматларни ҳам олишади.

24. Шахсий режада одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам олиш учун қайси мутахассис ёрдами зарурлиги белгилаб берилади. Шахсий режа одам савдосидан жабрланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уч ойдан кам бўлмаган муддатга тузилади.

25. Шахсий режа худудий комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ишлари бошланади.

26. Масъул котиб шахсий режанинг сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қиласи, зарур ҳолларда худудий комиссия раисига тақдимнома киритади.

27. Худудий комиссия томонидан зарурат туғилганда, шахсий режага тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бунда масъул котиб томонидан мазкур ўзгартиришлар комиссия аъзолари билан келишилгандан сўнг худудий комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

28. Одам савдосидан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш чоралари қуидаги ҳолларда тўхтатилади ёки муддатидан олдин тугатилади:

ижтимоий реабилитация мақсадларига эришилганда;

одам савдосидан жабрланган шахслар ижтимоий реабилитациядан бош тортса;

одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар содир этилмаганлиги ҳақида асослантирилган қарор қабул қилинса.

29. Бунда ёлгон хабар берган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва етказилган зарарни қоплаш чоралари кўрилади.

30. Одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар содир этилмаганлиги аниқланса, одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режаси бекор қилинади, ижтимоий реабилитация ишлари тўхтатилади ҳамда бу ҳақда шахсий режани бажарувчи масъул шахслар ва худудий комиссия аъзоларига маълумот юборилади.

4-боб. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ҳамда мослашувига ёрдам кўрсатиш тартиби

31. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ҳамда мослашувига ёрдам кўрсатиш худудий комиссиялар ва Вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссиялар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

32. Масъул котиб томонидан одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режаси ишлаб чиқилади ва худудий комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Шахсий режада ушбу Низомнинг 22-бандида белгиланган чора-тадбирлар назарда тутилади.

33. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича тузилган шахсий режа лойиҳасини Вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссияларга белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун бир иш куни мобайнида киритилади.

5-боб. Одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш тартиби

34. Ҳимояни таъминловчи субъектларнинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

одам савдосидан жабрланган шахслар учун хавфни баҳолаш ва хавфсизлик режасини тасдиқлаш;

одам савдосидан жабрланган шахслар рўйхатини тасдиқлаш;

шахсий режанинг ҳимояни таъминловчи субъектларнинг ваколатига тааллуқли қисмини бажаришга кўмаклашиш;

мехнат соҳасидаги ваколатли давлат органининг мутахассиси томонидан аниқланган муаммоларни ҳал қилишда, шахсий режанинг бажарилишини мониторинг қилиш жараёнида кўмаклашиш.

35. Ҳимояни таъминловчи субъектлар белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

хавфни баҳолаш, хавфсизлик режаси, эҳтиёжлар рўйхати ва шахсий режани аниқлаштириш ҳамда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар киритиш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари, ваколатлари доирасида нодавлат нотижорат ва халқаро ташкилотлар (келишилган ҳолда) экспертларини шартнома асосида мутахассис сифатида жалб қилиш;

ҳимояни таъминловчи субъектлар фаолияти тартибини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

ҳимояни таъминловчи субъектлар ваколатига тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан жабрланувчига тааллуқли материалларни талаб қилиш ва олиш.

36. Одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни топиш мақсадида идентификация қилиш ва қайта йўналтиришни амалга оширувчи давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсларга “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ хавфсизлик чоралари таъминланади.

Одам савdosидан жабрланган деб тан олинган чет эл фуқаролариға ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш хуқуқи берилади.

37. Одам савdosидан жабрланган шахсларни келиб чиқиши мамлакатига ёки ўзлари доимий яшайдиган давлатга қайтариш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалариға мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

38. Одам савdosидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш жараёнларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаглари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг
ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни
химоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни химоя қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ваколатли орган ёки худудий комиссия	<ol style="list-style-type: none">Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларга ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда уларга ёрдам кўрсатиш ва химоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасага юборади.Одам савдосидан жабрланган деб тан олинган шахсларни худудий комиссия томонидан ихтисослаштирилган муассасага юборилади.	Шахснинг розилиги олингандан кейин
2-босқич	Худудий комиссия масъул котиби	<ol style="list-style-type: none">Одам савдосидан жабрланган шахсларни рўйхатга олиш журналида қайд этади.Одам савдосидан жабрланган шахсларга нисбатан хавфни баҳолашни амалга оширади.Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг хавфсизлик режасини тузади (агар зарурат бўлса).Одам савдосидан жабрланган шахслар билан биргаликда эҳтиёжлар рўйхатини белгилайди.Комиссия раисига ишлаб чиқилган хужжатларни мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш учун тақдим этади, худудий комиссия аъзоларини чақириш таклифини киритади.	Зудлик билан Уч кун ичида Уч кун ичида Бир кун муддатда Беш кун ичида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
3-боскич	Худудий комиссия	<ol style="list-style-type: none">Одам савдосидан жабрланган шахсларга нисбатан хавфни баҳолайди, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхатини ўрганиб чиқади.Одам савдосидан жабрланган шахсларга нисбатан хавфни баҳолаш, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхатини тасдиқлайди.Одам савдосидан жабрланган шахсларга нисбатан хавфни баҳолаш, хавфсизлик режаси ва эҳтиёжлар рўйхати асосида одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режасини ишлаб чиқади ва худудий комиссия раисига тасдиқлаш учун юборади.	Якуний идентификация жараёнида
4-боскич	Худудий комиссия раиси	<ol style="list-style-type: none">Одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режасини тасдиқлайди.Одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режасининг тегишли бандларини муддатида бажариш максадида масъул шахсларга етказиш учун худудий комиссия масъул котибига топширади.	Камида уч ой муддатга тузилади
5-боскич	Худудий комиссия масъул котиби	<ol style="list-style-type: none">Одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режасини масъул шахсларга етказади.Одам савдосидан жабрланган шахслар билан якка тартибда ишлаш шахсий режаси сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қиласи.	Шахсий режа тасдиқланган куни Режада белгиланган муддатларда

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг
ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни
химоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ижтимоий реабилитация ёрдамини олиш учун розилик ҳақида
АРИЗА**

Мен, _____,
(ариза берувчининг Ф.И.О)

ихтиёрий равишда ижтимоий реабилитация ёрдамларини олишга розиман.

Шунингдек, мен буни тасдиқлайман:

- 1) ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган ёрдам олиш тартиб-қоидалари
ҳақида маълумот берилди;
- 2) менга ёрдам берадиган шартларни қабул қиласман.

Ариза берувчининг имзоси

сана

Масъул котиб имзоси

сана

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг
ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни
химоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Хавфни баҳолаш

Мутахассис Ф.И.О: _____
Ариза берувчининг Ф.И.О: _____
Сана _____

	Омиллар	Ҳа	Йўқ	Билмайман
	Одам савдосидан жабрланган (<i>кейинги ўринларда ОСЖ</i>) ҳолатининг мавжудлиги			
1. Соғлиги	- жароҳатлар - сурункали касаллик белгилари - травматик стресс бузилиши - ногиронлик - ҳаёт учун хавфли шароитлар - оғриқлар - руҳий касалликлар - ҳомиладорлик - тана тўқимасининг бузилиши - жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар - сил касаллиги - ОИВ/ОИТС - безгак - бошқа касалликлар (<i>тушуунтириши</i>)			
2. Зўравонликка таҳдид	одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар томонидан ОСЖга нисбатан ўтмишдаги таҳдидлар			
	одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар томонидан ОСЖга ҳозирги вақтдаги таҳдидлар			
	ОСЖнинг оила аъзоларига таҳдидлар			
	ОСЖ ва унинг оила аъзоларига нисбатан товламачилик			
	ОСЖни мажбурлаш			
	ОСЖни таъкиб қилиш			
	ОСЖнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан ҳозирги кунда алоқаси мавжудлиги			

	Омиллар	Ҳа	Йўқ	Билмайман
	одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг ОСЖ яшаш манзилини хабардорлиги			
	одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг ОСЖ телефон рақамини хабардорлиги			
	одам савдоси билан боғлиқ ҳолатнинг давомийлиги: - 1 ойдан 6 ойгача; - 6 ойдан 1 йилгача; - 1 дан 3 йилгача; - 5 йилдан ортиқ.			
	ОСЖ боришига кўрқадиган жойларнинг мавжудлиги			
	одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг хавфлилик даражаси (<i>шафқатсизлиги, жиноий гуружнинг улоиганлик дараёваси, уларнинг сони, қуролга эгалиги</i>)			
	бошқа ҳолатлар			
3. Оиласвий муносабатлари	одам савдоси билан шуғулланадиган шахсларнинг ОСЖ қариндошлари билан алоқаси			
	одам савдосига алоқадор бўлган шахслар орасида яқин таниш ва қариндошларининг мавжудлиги			
	ОСЖ оила аъзоларининг одам савдосидан жабрланганлигидан хабардорлиги			
	ОСЖни яшаш жойида унга нисбатан хавфнинг мавжудлиги			
	бошқа ҳолатлар			
4. Жиноят иши жараёни	ОСЖ бўлган мамлакатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаати			
	ОСЖ ўз мамлакатидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаати			
	ОСЖ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмоқчилиги			
	хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан чора-тадбирлар амалга оширилганлиги			
	жиноят иши қўзғатилганлиги			
	ҳозирда одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар кўлга олинганлиги			
	ОСЖнинг яшаш ҳудудида одам савдоси жиноятида гумонланаётган шахсларнинг мавжудлигидан хабардорлиги			
	ОСЖнинг ноқонуний фаолиятдаги иштироки учун жиноий жавобгарликка тортилиши хавфининг мавжудлиги			
	бошқа ҳолатлар			

	Омиллар	Xa	Йўқ	Билмайман
5. Ватанга қайтариш	ОСЖ ватанга қайтиб келганидан сўнг тақроран ОСЖ бўлиш хавфи ёки бошқа турдаги зўравонликларга дучор бўлиш хавфи мавжудлиги			
	ОСЖ ватанга қайтиб келгандан сўнг ижтимоий, шу жумладан, оғир оиласвий шароити, ишсизлик ва бошқа муаммоларга дучор бўлиш хавфи мавжудлиги			
	ОСЖ қайтиб келгандан кейин қайта мослашувига таъсир қилиши мумкин бўлган ижтимоий, маданий ёки диний омиллар мавжудлиги			
	бошқа ҳолатлар			

Мутахассис изоҳи: _____

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг
ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни
химоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Хавфсизлик режаси

Мутахассис Ф.И.О: _____

Ариза берувчининг Ф.И.О: _____

Бошланган сана _____

Муддатнинг тугаш санаси _____

Т/р	Хавфсизлик чоралари	Тадбирлар	Муддати	Изоҳ

Масъул котиб _____
имзоси

Ариза берувчи _____
имзоси

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг
ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
oshiриш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни
ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

Эҳтиёжлар рўйхати

Мутахассис Ф.И.О: _____
Ариза берувчининг Ф.И.О: _____
Сана _____

Эҳтиёж	Ҳа/йўқ
Ижтимоий-тиббий	
Тиббий ёрдам	
Касалхонага ётқизиш	
Терапевт билан маслаҳатлашиш	
Психотерапия маслаҳати / психиатр	
Психотерапия	
Гинеколог билан маслаҳатлашиш	
Невропатолог билан маслаҳатлашиш	
Нарколог маслаҳати	
Даволаш / дорилар	
ОИВ/ОИТС текшируви	
Жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларни текшириш	
Спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан ёки гиёҳвандликдан даволаш	
Умумий саломатлик (тушунтириш)	
Психологик	
Шахсий маслаҳат	
Психологик қўллаб-қувватлаш	
Биргаликда хатти-ҳаракатлар билан ишлаш	
Оила ва яқин атроф-муҳит билан алоқаларни тиклашга кўмаклашиш	
Жароҳатдан кейинги профилактика	
Ижтимоий қўллаб-қувватлаш	
Хукуқий	
Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тиклашда кўмаклашиш	
Оилавий ҳукуқ соҳасидаги маслаҳат (никоҳдан ажралиш, эр-хотиннинг мол-мулкини бўлиш ва бошқалар)	
Мерос ҳукуқи соҳасидаги маслаҳат (қонун бўйича мерос, ноқонуний vasiyat ва бошқалар устидан шикоят қилиш)	
Уй-жой ва коммунал низолар бўйича маслаҳат (ноқонуний кўчириш ва бошқалар)	

Эҳтиёж	Ҳа/йўқ
Мехнат ҳуқуқи соҳасидаги маслаҳат (ишда тиклаш, ноқонуний ишдан бўшатиш, иш ҳақини тўламаслик ва бошқалар)	
Жиноий процессда адвокатни қўллаб-қувватлаш (суроштирув, тергов ҳаракатларини ўтказиш босқичида ва суд жараённида, шу жумладан, етказилган зарарни қоплашда ёрдам бериш ва бошқалар)	
Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги маслаҳат (болаларни химоя қилиш, хужжатларни тиклаш ва бошқалар)	
Маъмурий жараёнда адвокатни қўллаб-қувватлаш (болаларни химоя қилиш ва бошқалар)	
Тадбиркорликни бошлаш бўйича маслаҳат	
Ижтимоий-майший	
Гуманитар ёрдам (кийим-кечақ, озиқ-овқат ва бошқалар)	
Моддий ёрдам	
Шахсни тасдиқловчи хужжатлар тўловлари (жарималари) қопланишини таъминлаш	
Бепул таржимон билан таъминлаш	
Терговга қадар текширув, суроштирув ва дастлабки тергов жараёнларида ОСЖ транспорт харажатларини қоплаш	
Касбий қайта тайёрлаш	
Таълим олиш	
Ишга жойлашиш	
Хавфсиз яшаш жойи (бошпана)	
Янги уй топиши	
Шахсий гигиена воситалари (тиш чўткаси ва пастаси, совун, сочиқ, шампун, аёллар учун шахсий гигиена воситалари ва бошқалар)	
Жабрланувчи шахсларнинг болаларини парвариш қилиш воситалари (тагликлар, хўл рўмолча, ўзгарувчан маҳсулотлар, шунингдек, бутилкалар, болалар аралашмаси ва боланинг эҳтиёжларини қондирадиган бошқа маҳсулотлар)	
Чет эл фуқаролари учун ўзбек тилини ўрганиш учун бепул имконият яратиш	
Ички саёҳат учун тўлов	
Бошқа эҳтиёжлар	

Мутахассис изоҳи:

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг
ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга
ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни
ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Одам савдосидан жабрланган шахс билан якка
тартибда ишлаш шахсий режаси**

Мутахассис Ф.И.О: _____

Ариза берувчининг Ф.И.О: _____

Бошланган сана _____

Муддатнинг тугаш санаси _____

T/p	Хизмат номи ва тадбирлар	Тадбирларни амалга ошириш	Амалга ошириш муддати	Ёрдам кўрсатувчи ташкилот	Хизмат натижаси

